

# Ақйданинг бузуқлиги нималарга олиб боради



19:00 / 02.04.2024 1506

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿مَذْحُورًا مَلُومًا جَهَنَّمَ فَنُلْقِيْهِمْ فِيْهَا النَّارَ وَاللّٰهُ مَعَ الْبٰرِئِيْنَ وَلَا الْحِكْمَةَ مِنْ رَبِّكَ اِلَيْكَ اَوْحِيَ وَمَا ذٰلِكَ

**«Ушбулар Роббинг сенга ваҳий қилган баъзи ҳикматлардир. Аллоҳ билан бирга ўзга илоҳ қилма. Яна маломат қилинган ва қувилган ҳолингда жаҳаннамга ташланмагин» (Исро сураси, 39-оят).**

Ушбу оятлар мажмуасининг бошида ҳам Аллоҳга ширк келтирмаслик ҳақида таъкид келган эди. Сўнгида ҳам худди шундай таъкид келмоқда. Тавҳид ақийдаси нақадар зарурий эканини шундан ҳам билиб олиш мумкин. Ширк келтириш энг нотўғри иш, улкан зулмдир.

Аллоҳга ширк келтириш, Унинг боласи бор, шериги бор, деб эътиқод қилиш қанчалик ёмонлигини келгуси оятлар баён қилади:

عَظِيمًا قَوْلًا لِنَقُولُونَ إِنَّكَ إِنشَاءَ الْمَلَائِكَةِ مِنْ وَاحِدٍ بِالْبَيْنِ رَبُّكُمْ أَفَأَصْفَكَوُ

**«Роббингиз сизларга ўғилларни хос қилиб бериб, фаришталарни ўзига қиз қилиб олдимиз? Албатта, сизлар улкан гапни айтмоқдасиз»** (Исро сураси, 40-оят).

Араб мушриклари қиз фарзандни ҳеч ёқтирмас эдилар. Бошқа оятларда зикр қилинганидек, улардан қиз кўргани қаттиқ хафа бўлиб, юзи қорайиб кетар эди. Қиз фарзанди бўлишини ўзига ор деб биларди. Шунинг учун кўпинча қиз фарзандларни тириклайин кўмиб юборар эдилар.

Ақийданинг бузуқлиги нималарга олиб боришини қарангки, қиз фарзанд тўғрисида шунчалар салбий эътиқодда бўла туриб, араб мушриклари, фаришталар Аллоҳнинг қизлари, деб эътиқод қилишар эди. Ояти каримада уларнинг мазкур нотўғри ақийдалари инкор этилмоқа. Уларга инкор хитоби ила:

**«Роббингиз сизларга ўғилларни хос қилиб бериб, фаришталарни ўзига қиз қилиб олдимиз?»** – дейилмоқда.

Ўғилни ҳам, қизни ҳам Аллоҳнинг ўзи беради. Лекин мушриклар қўлларидан ҳеч нарса келмаса ҳам, ўзларича ўғилларни ўзларига, қизларни Аллоҳга, деб ҳукм чиқарадилар.

**«Албатта, сизлар улкан гапни айтмоқдасиз».**

Сизларнинг бу гапларингизнинг ёмонлиги улкан гапдир, одобсизлиги улкан гапдир, журъати улкан гапдир, уйдирмалиги улкан гапдир, гуноҳи улкан гапдир.

تُورًا إِلَّا يَزِيدُهُمْ وَمَالِيذِكُرُوا الْقُرْآنَ هَذَا فِي صَرَفًا وَلَقَدْ

**«Батаҳқиқ, бу Қуръонда эслашлари учун турли баён қилдик. Лекин бу уларга нафратдан ўзгани зиёда қилмас»** (Исро сураси, 41-оят).

Қуръонда мушрикларга эслатма бўлиши учун турли ваъз, насиҳат ва мисоллар баён қилинди. Лекин мушриклар бу ваъз, насиҳат ва мисолларни – Қуръон оятларини эшитган сари ундан қочадилар, нафратланадилар. Улар ўзларининг ботил ақийдаларидан ажраб қолишдан қўрқиб, шундай

қиладилар. Чунки уларнинг ниятлари яхши эмас.

سَبِيلًا إِلَى الْعَرْشِ ذِي الْإِلَهِيَّةِ إِذَا يَقُولُونَ كَمَا إلهةٌ مَعَهُ: كَانَ لَوْ قُلُ

**«Сен: «Агар улар айтганларидек, У билан бирга бошқа илоҳлар бўлганида, Арш эгаси томон йўл излар эдилар», - деб айт»** (Исро сураси, 42-оят).

Бу оят мушрикларнинг «Аллоҳдан бошқа ибодатга сазовор турли илоҳлар бор» деган даъволарига раддиядир. Фаразан, мушриклар айтаётганларидек, Аллоҳ таоло билан бирга бошқа илоҳлар бўлса эди, ўша илоҳлар Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ томон, Унга яқинлашаман, деб ёки Унинг мулкига соҳиб бўламан, деб, йўл излаган бўлар эдилар.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди**